
РИШТОН КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ “СЕҲРЛИ ДИЁР”ГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

Уста кулол Шокиржон Аҳмаджонов раҳбарлигидаги “Мингбоши Керамик” кулолчилик кластери янги марраларни забт этишда давом этмоқда. Шу кунга қадар ушбу кластер маҳсулотлари Марказий Осиё ва Европанинг 10 га яқин мамлакатига экспорт қилинаётгани. Ҳамкор давлатлар сони яна биттага кўпайди.

Изланувчан ва тиниб-тинчимас Шокиржон Аҳмаджонов янги ҳамкорларни излаш, кластер фаолиятини ривожлантириш борасида кенг кўламдаги ишларни амалга ошириб келмоқда. Кечаги кун “Мингбоши Керамик” кулолчилик кластери тарихидаги ёрқин из қолдирди. Аниқроғи, Риштон кулолчилик маҳсулотларини “Сеҳрли диёр” бўлмиш – АҚШга экспорт қилиш имконияти пайдо бўлди.

Бундан бир неча кун олдин “Мингбоши Керамик” кулолчилик кластери оилавий корхонаси ҳамда Американинг “DIAMOND (USA) INC” компанияси томонидан 5 млн. доллар миқдоридаги шартнома имзоланган эди.

Ушбу шартномага кўра, Риштон туманида фаолият олиб бораётган Мингбоши керамик корхонаси томонидан Америка Қўшма штатларининг Diamond INC USA корхонаси билан тузилган экспорт шартномасига асосан илк Риштон кулолчилик маҳсулотлари экспорти амалга ошириш бошланди.

Ушбу ҳамкорлик узоқ ва самарали бўлиб, Риштон кулолчилик маҳсулотлари дунё мамлакатларини лол қолдиришда давом этишига ишончимиз комил.

2022-07-25 17:07:06